

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ
ТАРЖИМОНЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

КУРС ИШИ

**МАВЗУ: Корейс тили оғзаки нутқ амалиётида
неологизмларнинг ўзига хос хусусиятлари.**

Бажарди: Бабаяров Т.
Илмий рахбар: ўқит. Норкулова Ш.

Самарқанд – 2013

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3
-------------------	----------

I БОБ. Тарихийлик жиҳатидан ўзбек ва корейс тили лексикасининг тармоқларга бўлиниши

1.1.Замонавий қатлам.....	6
---------------------------	---

1.2 .Эски қатлам.....	7
-----------------------	---

1.3 .Янги қатлам.....	8
-----------------------	---

II БОБ. Корейс тилида неологизмларнинг қўлланилиши

2.1. Корейс тилида неологизмларнинг қўлланилиши ва турлари.....	9
---	---

Хулоса.....	17
--------------------	-----------

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	19
--	-----------

Кириш.

«Ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашарият тарихида тутган ўрни –мавқеи ва шуҳрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуқлигига боғлиқдир».[1,14]

И.А Каримов

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг фан ва маорифга эътибор қаратилиши янгича тус олди. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида (29 август, 1997) хорижий тилларни ўрганишнинг ўрни ва муҳимлигига асосий эътибор қаратган ҳолда қуйидаги масалани долзарблигини айтиб ўтади: «Мамлакатимизда хорижий тилларни ўрганишнинг миллий асосидаги жадаллаштирилган методикасини тайёрлашни тезлаштиришимиз зарур» /Каримов И.А. 1998, 331 б/. Шунингдек, Президентимиз И.А Каримов ўз нутқларида ёш авлодни тарбиялаш ва баркамол инсон бўлиб етишида жамият ривожланишида «юксак маълумотли, бақувват, соғлом, матонатли кишиларгина янгиланиш ва тараққиёт йўлини босиб ўта олади. Халқимизнинг бўйук аجدодлари ўй-фикрлари ва интилишлари ва интилишлари сарчашмаларига бориб тақаладиган маънавияти иқтисодий ўзгаришларининг пойдевори бўлиши»/Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент, 1999. -684 б/ни таъкидлаб келган. Олий Мажлис томонидан ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлаш миллий дастури (Олий Мажлис IX сессиясида қабул қилинган) ушбу масалаларни ҳал этишни олдига мақсад қилиб қўяди. Президент Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириғида (14 апрел, 1999) сўзлаган нутқида кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мурожат қилар экан, «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш, ҳаётга татбиқ этиш, ҳеч муболағасиз, стратегик мақсадларимиз – фаровон, қудратли, демократик давлат, эркин фуқоролик

жамияти барпо этишимизнинг асоси бўлмоғи зарур» /Каримов И.А 1999, 382-б/ деб таъкидлайди.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга оширишда фаннинг роли ўсиб бораётганлиги яққол кўзга ташланади. Хусусан тилшунослик соҳасида Абдуазизов А.А., Ашурова Д.У., Бушуй А.М., Бушуй Н.М., Бўронов Ж., Мирзаев И.К., Сафаров Ш.С., Расулова М.У., Ризаев Б. Умарходжаев М.И., Турсунов Б., Турниёзов , Юсупов У.К., каби олимларнинг меҳнатларини таъкидлаб ўтиш лозим.

А.М Бушуй айтиб ўтганидек «нутқ коммуникацияси ўзининг табиий ходисалиги билан бир вақтда системалидир»/Бушуй, 2006: 8/. Шундай экан, тиллардаги ходисаларга типологик ёндашув, ушбу тиллардаги ўхшаш, ноўхшашликларни системага солиб ўрганишга ёрдам беради.

Президентимиз И.А.Каримов , жуда ўринли эътироф этганларидек , “Бой ва гўзал она тилимиз билан узвий боғлиқ ҳолда ўлмас миллий кадриятимиз ҳам мафкуравий тарбиямизнинг муҳим бир қисми бўлмоғи лозим”. Дарҳақиқат ,тилимизнинг бой хазинаси ҳисобланмиш луғавий бирликлар ва уларнинг турли маъно қирраларини кашф этиш,ундаги грамматик ва семантик ўзгаришларни кузатиб бориш эҳтиёжи ўлмас миллий кадриятларимизнинг ифодаси бўлган тилимизнинг ҳамиша барқарор бўлишини таъминлаши шубҳасиздир. Маълумки , XIX асрда вужудга келиб,ўзининг ривожланиш даражасининг юқори чўққисига чиққан қиёсий грамматика қардош тиллар орасидаги умумий белгилар билан бирга ҳар бир тилга хос бўлган хусусий жиҳатларининг чуқур ўрганилишини ҳам бошлаб берди. Дастлаб генетик қариндошлик муносабатларини таққослаб ўрганишга эътибор қаратилган бўлса , кейинчалик типологик қиёсга ҳам диққат қаратила бошлади.

Турли қардош ва қардош бўлмаган тил системаларини бир-бири билан таққослаб ўрганиш кейинги йилларда жуда кенг авж олмоқда. Бунда таққослаш ишини минимал (икки тилни бир-бирига солиштириш) йўл билан амалга ошириш кўпроқ кўзга ташланади.

Тилларни қиёсий йўл билан ўрганиш, яъни қиёсий типологик услуб тилшунослик фанининг олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Ўзбек тилини бошқа тиллар билан қиёслаб ўрганиш борасида олмон-ўзбек, инглиз-ўзбек, рус-ўзбек ва ҳоказо тиллар мисолида олиб борилган таққикотларда кўзга ташланади. Олий ўқув юртида ўтказилаётган қиёсий типология фанининг мавжудлиги ҳам мазкур предметнинг назарий-амалий аҳамиятининг муҳим эканлигини кўрсатади. Мустақиллик туфайли республикаимизнинг халқаро ҳамжамият билан жумладан, шарқ мамлакатлари билан қиёсий -иқтисодий, маданий, савдо-сотиқ алоқалари кенг йўл қўйилган. Мазкур алоқалар йилдан - йилга кучайиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Бу ўз навбатида хорижий тилларни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан пухта ўрганиш эҳтиёжини келтириб чиқармоқда. Жумладан, ўзбек - корейс алоқалари бу икки халқ орасидаги дўстлик муносабатларининг кенгайишига сабаб бўлди. Табиийки бугунги кунда корейс тилини ўрганишга бўлган қизиқиш ҳам кучайиб бормоқда. Корейс ва ўзбек халқининг нафақат маданиятида балки тил унсурлари жиҳатидан ҳам ўхшаш. Ана шу ўхшаш ва фарқли хусусиятларини очиқ бериш муҳим вазифа ҳисобланади.

Корейс ва ўзбек тилларида **неологизм**ларни қиёслар эканмиз, унинг ўхшаш ва фарқли томонларини ўрганиб, мисоллар орқали исботлашга ҳаракат қилганмиз.

Тилларнинг грамматик ва лексик хусусиятларини типологик ўрганиш чет тилини она тили билан қиёслаш орқали ўзга тилни ўзлаштириш имкониятларини кенгайтди. Барчамизга маълумки, сўнгги йилларда типологик лингвистика қардош ва қардош бўлмаган тиллар тизимини қиёсий

ўрганиш масаласи билан кенг шуғулланмоқда ва бу билан жаҳон тилшуносларининг диққат эътиборини тортмоқда. Натижада, кейинги йиллар давомида тилларни типологик жиҳатдан турли сатҳларда тадқиқ этишга бағишланган кўпгина илмий ишлар юзага келди.

Икки тил фактларини қиёслашнинг оддий механизми қиёслаш хусусиятларини тўлиқ очиб бермаслиги мумкин. У ҳолда педагогик амалиётда катта фойда келтирмайди. Бундай камчиликлар тилшуносларнинг диққат марказини қиёсланаётган тилларнинг хусусиятларига қаратилса ва улар тиллар тизимидаги элементлар сифатида таҳлил қилинса, бундай ёндашув ҳар қандай қиёсий тадқиқотни аниқ хулосалар билан тугатиш имкониятини яратади. Тилларнинг грамматик структурасини таҳлил қилиш жараёнида қўлланиладиган қиёсий метод муаммолар асосан ушбу метод вазифаларини аниқлаб, яъни қиёсланаётган тилларнинг грамматик структурасидаги хусусиятларни очиб беришдир.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб шундай хулосага келиш мумкин: турли тизимли тиллар системасини қиёсий ўрганиш бир томонлама бўлса, иккинчи томони соф назарий лингвистик соҳани қамраб олиш билан бирга амалий-услубий мақсадни ҳам ўз ичига олади, ҳамда тадқиқот жараёни назария билан амалиёт ўртасида яқин боғланишни вужудга келтиради, айниқса, турли тизимли тилларни ўрганишда она тили билан чет тили ўртасидаги ўхшашлик ва ноўхшашлик томонларини инвентаризация қилиш чет тилини чуқурроқ ўрганишга ва тушунишга катта имконият яратади. Тилларни қиёсий ўрганишда бундай ёндашув методи тил ривожланишида, қиёсланаётган тилларнинг бир-бирини бойитишида ҳамда тиллараро алоқаларни, уларнинг қардошлиги ва қардош бўлмаган даражаларини атрофлича ўрганишга имконият яратади.

I БОБ.Тарихийлик жиҳатидан ўзбек ва корейс тили лексикасининг тармоқларга бўлиниши

Тилнинг таракқиёти процессида унинг барча соҳаларида маълум ўзгаришлар юз беради. Бундай ўзгариш айниқса унинг лексикаси учун жуда характерлидир.

Бунда, биринчидан, тилдаги айрим сўзларнинг эскириши, истеъмолдан чиқиб кетishi кузатилса, иккинчида, тилда янги сўзларнинг пайдо бўлиши кузатилади . Бу иккала ҳодиса ҳам маълум объектив сабаблар асосида руй беради.

Ҳозирги адабий тил нуқтаи назаридан эскирган сўзларнинг жами *эски қатлам* (эски лексика), янги сўзларнинг жами *янги қатлам* (янги лексика) дейилади.

Бу икки қатламдан ташқари, луғат составида адабий тил учун одатдаги, эскилик ёки янгилик буёғига эга бўлмаган сўзлар қатлами ҳам бор. Бу қатлам *замонавий қатлам* (ёки нейтрал қатлам) дейилади.

Демак, тарихийлик нуқтаи назаридан ўзбек тили шу жумладан корейс тили лексикаси уч асосий қатламга бўлинади: 1) замонавий қатлам (замонавий лексика); 2) эски қатлам (эски лексика); 3) янги қатлам (янги лексика).

1.1.Замонавий қатлам

Замонавий қатлам. Ўзбек тили лексикасининг асосини шу қатламга оид сўзлар ташкил этади. Замонавий лексика кўп ҳолларда умум-истеъмолдаги лексика ёки актив лексика тарзида ҳам таърифланади. Тўғри, бу қатламга оид сўзларнинг кўпчилиги умум-истеъмолга оид, актив сўзлар бўлади. Лекин у ёки бу сўзнинг замонавий қатламга оидлиги унинг умумистеъмолда бўлиши ёки актив қўлланиши билангина белгиланмайди. Бошқача айтганда, бу белгилари бўлмаган сўзлар ҳам замонавий қатламга оид бўлиши мумкин. Масалан: терминологик лексикага оид сўзларнинг истеъмол доираси чегараланган. Лекин терминларнинг (эски ва янгиларидан

бошқа) ҳаммаси замонавий лексика ҳисобланади. Шунингдек, айрим сўзлар маълум услуб (стил)га оид бўлиб, актив сўзлар қаторига кирмайди. Лекин улар на эскилик, на янгилик бўёғига эга эмаслигидан замонавий лексикага мансуб бўлади.

Демак, эскилик ёки янгилик бўёғига эга бўлмаган сўзлар замонавий лексикани (замонавий қатламни) ташкил этади.

1.2 .Эски қатлам

*Эски қатлам*га оид сўзлар асосий фарқли хусусиятларига кўра икки турга бўлинади: 1) *тарихий сўзлар ёки историзмлар*; 2) *архаик сўзлар ёки архаизмлар*

Историзмлар тарихга оид (ҳозирги кунда йўқ) нарсаларни билдирувчи сўзлардир. Маълум даврларда бор бўлган, айрим нарсалар ҳодисалар жамият тараққиётининг кейинги босқичларнда йўқ бўлиши, ўтмиш ҳодисасига айланиши мумкин. Шу билан боғлиқ ҳолда бундай нарсаларнинг атамаси бўлган сўзлар ҳам тарихийлик касб этади, яъни тарихий сўзга айланади. Мисоллар: *совут, омоч, қози, чарх, амир, бек, қул, чўри, ҳоким, баққол, хон, вазир, каниз* каби.

Историзмлар билдирадиган нарсалар тарихийлиги сабабли уларнинг кўпчилиги ҳозирги давр кишиси учун нотаниш бўлади.

Историзмлар ўтмиш воқеаларини тасвирловчи асарларда қўлланади. Мисоллар: *Гулнор — чўри қиз. Бизларнинг оталаримиз ким? Тошкентнинг энг обрўли бойи. Чўри қиз бизга ошна буладими? (О.)*

Баъзи сўзлар тил тараққиёти процессида турли хил нарсаларни ифодаладиган бўлиши —янги маъно ёки маънолар касб этиши мумкин. Бу сўзлар билдирадиган нарсалардан бирортаси тарихий факт бўлиши мумкин. Демак, бундай сўзнинг бирор маъноси историзм бўлиб, қолган маъноси (ёки маънолари)да у замонавий сўз ҳисобланади.

Архаизмлар. Ҳозирда мавжуд (замонавий) нарсаларнинг эскириб қолган атамалари **архаизмлар (архаик сўзлар)** дейилади. Мисоллар: улус дорилфунун (университет), тилмоч (таржимон), умиз (кукрак) ва б.

1.3 .Янги қатлам.

Неологизм умуман янги даврларда пайдо бўлган сўзлар сифатидан тушунилмаслиги керак. Бирор сўзни неологизм ҳисоблашда унинг янгилик бўлишига эътибор асосга олинади. *Фазогир, китобсеварлар, олтинтопарлар* сўзлари шундай хусусиятга эга.

Янгилик бўлиши йўқотган сўз қачон пайдо бўлишидан қатъи назар, янги қатламдан замонавий қатламга ўтади.

Янги қатламга оид сўзлар (неологизмлар) замонавий қатлам ва эски қатламга оид сўзларга нисбатан жуда оз миқдорни ташкил этади. Шундай бўлиши ҳам табиий, чунки ҳар қандай сўз маълум талаб билан пайдо бўлади. Бундай сўз эса алоқа-аралашувда актив қўлланади ва шу тил вакиллари учун янгилик бўлиши йўқотиб, одатдаги сўзга айланади. Бу процесс эса одатда, узокка чўзилмайди. Масалан, яқинларда пайдо бўлган *космос, космодром, телевидение* каби сўзлар янгилик бўлиши йўқотиб, замонавий қатлам сўзларига айланди.

Ўзбек тили луғат составидаги эски ва янги сўзлар **пассив сўзлар** деб ҳам таърифланади. Тўғри, бундай сўзлар замонавий қатламдаги сўзларга нисбатан ҳам қўлланади. Лекин активлик ва пассивлик сўзларнинг воқеаланиш частотасига кўра белгиланар экан, фақат эски ва янги қатламга оид сўзларни **пассив сўзлар** деб қараш тўғри бўлмайди. Чунки сўзларнинг актив ёки пассив қўлланиши уларнинг бошқа хусусиятларига боғлиқ. Масалан, умумистеъмолдаги сўзларга нисбатан чегараланган лексикага оид сўзларнинг қўлланиши **пассив**

бўлади. Шунингдек, стилистик нейтрал лексикага оид сўзларга нисбатан стилистик хосланган сўзларнинг қўлланиш даражаси кам бўлади ва демак, актив-пассив сўзлар деганда, у ёки бу қатламга оид лексиканигина тушуниш тўғри бўлмайди.

II БОБ. Корейс тилида неологизмларнинг қўлланилиши

Юқорида айтганимиздек корейс тилида ҳам неологизмлар маълум бир даврга хос бўлади. Вакт ўтиши билан бу сўзлар завоначий қатламна ўтади. Корейс тилида янги сўзлар - 신조어, машҳур сўзлар - 유행어 деб аталади. Булардан энг машҳурлари ва кўп қўлланиладиган бирикмалари кўйидагилардир:

단근이쥬(Сабзидир). Бу сўз ўз маъносини йўқотиб, ”албатта ” деган маънони англатади.

쌍얼 – Пардоз қилинмаган юз, табиий деган маънони англатса, **얼짱** – эса юзи чиройли ёки кетворган, **몸짱** – Қомати келишган, -----гулдек чиройли йигитга нисбатан ишлатилади.

기러기 아빠-(ёввойи ўрдак) яъни хотини ва болаларини чет элга юбориб ёлғиз ўзи ватанда пул ишлаб оила аъзоларига пул жўнатган ёлғиз яшаётган ота назарда тутилади.

이침형 인간-Эрта тонгда туриб ишдайдиган одамларга нисбатан ишлатилса, **올빼미형 인간**- (Бойўғли одам) кечгача бедор бўлиб ишлайдиган инсонларга нисбатан ишлатилади.

Кўйида биз баъзи машҳур сўзларниг келиб чиқиши тарихидан керакли маълумотларни келтириб ўтамыз.

잘자 내 꿈꿔 (Яхши ётиб тур, мени туш кўр). Бу бирикма 2000 йил кўшиқчи Чо Сонг Мо нинг шу номли кўшиғидан сўнг урф бўлди. Бу бирикма айниқса севишган ёшлар ўртасида машҳур бўлиб телефон орқали ёзиладиган хатда кўпроқ ўз аксини топди.

부자 되세요-(Бой бўлинг). Бу бирикма Ким Чон Ын 2002 йил чиқарган кўрсатувидан кейин машҳур бўлди. Учрашган одамингизга “Бой

бўлинг” десангиз, ҳақиқатдан ҳам у одамнинг кўнгли кўтарилганини сезиш мумкин.

꿈은 이루어진다-(Орзулар ушалади). Бу бирикма Футбол Дунё кубогида олқишлаш учун ёзиган рекламадан сўнг урф бўлган.

아자아자 파이팅. Бу бирикма 2004 йил машҳур бўлди. Ача-ача ундов сўздир.Паитинг инглиз тилидан олинган бўлиб “Кучли бўлайлик” “курашайлик” деган маъноларни англатади.

아빠 힘내세요. (Дада, куч йиғинг) Бу бирикма болалар ансамбли 2007 йил айтган кўшиғидан сўнг урф бўлди. Ишдан чарчаб келган отага куч ва тасалли бериш учун ишлатилади.

파봉-(Зўр) Бразилия да ишлатиладиган сўз бўлиб, у ўзининг асл маъносини йўқотган сўз ҳисобланади.Телевизор орқали намойиш этилган апелсин соки рекламасида бош бармоқни кўрсатиб , “ажойиб”, “Зўр” деган маъносида ишлатилганидан сўнг жуда урф бўлиб кетди.

Қуйида биз энг янги сўзлардан баъзиларини келтириб ўтамиз:

• **Ташқи кўриниш билан боғлиқ бўлган янги сўзлар**

외모

1. **얼큰 – 얼굴이 큰 사람**

Юзи катта одам

2. **쌍얼 – 화장하지 않은 맨 얼굴**

Пардоз қилинмаган юз

3. **얼짱 – 얼굴이 이쁘거나 멋진 사람**

Юзи чиройли ёки кетворган

4. 몸짱 – 같은 의미로 몸이 잘 빠졌거나 좋은 사람

Қомати келишган

5. 훈남- 얼짱처럼 잘생기 진 않았지만 훈훈한 매력이 있어 보이는
호감형 남자

Юзи келишмаган бўлсада истараси иссиқ эркак

6. 샤방 – 만화등에서 반짝 반짝하는 빛과 함께 출현할 때 주로
쓰이는 효과음으로 귀엽고 샤랄라 한분위기를 표현

Ёқимтой ёки кетворган

7. 신데렐라 (통신등에서) 12 시만 되면 칼 같이 사라지는 사람을
일컫습니다.

Соат 12 бўлиши билан йўқ бўлиб қоладиганларга айтилади.

• **Интернет ёки телефонда ишлатиладиган янги сўзлар**

인터넷신조어,줄임말

1. 채금 : 대화가 금지 되어 말을 쓸 수 없을 때 쓰는 채팅 용어 →
채팅 금지의 준말

Бошқа суҳбатлашиб бўлмаган ҳолларда ёки сўҳбат таъқиқланган
ҳолларда ишлатилади.

2. 팀플 : 팀을 이루어서 게임을 하는 것 → 팀플레이의 준말입니다.

Гуруҳ бўлиб ўйнаш

- 3.즐겜 : 즐겁게 게임하세요라고 쓰이는 게임 인사. → 즐겁게
게임하다의 줄임말

Завкланиб ўйнанг.

4.도촬 : 몰래사진을찍는것 → 도둑촬영의줄임말

Яширинча расм олиш (яширин камера)

5.열공 : 열심히공부하다. → 열심히공부하다의줄임말

Ғайрат билан ўқинг

6.출чек : 출석체크 → 출석체크의줄임말

Давоматни текшириш

7.OTL = OTZ : 좌절하다. → 좌절금지라는뜻에서
OTL 금지로쓰였는데요즘은 OTL 로..

Бўйин эгмоқ , чидамоқ

8..갠전 : 개인끼리게임을하는것 → 개인전의준말

Ўзи ёлғиз ўйнамоқ

11.오링 : 돈을 모두 잃다, 돈을 모두 쓰다라는 의미 → 올인에서
나온말

Пулни ҳаммасини йўқотмоқ,ишлатмоқ

12.익게 : 익명게시판, 이름 또는 닉네임을 숨기고 쓸 수 있는 게시판
주로 고민 상담 용.

→ 익명 게시판의 줄임말

Исм ёки лақабини яшириб алоқагага киришиш(аноним ҳолда)

13.샤방 : 반짝 반짝 빛이 난다는 뜻의 의태어, 꽃미남이나 미소년의
등장에 많이 쓰임

Кетворган,ялт –юлт этиб нур сочиш бирикмасидан келиб чиккантаклид сўз бўлиб,кетворган йигит ёки гўзал хақида гапирилганда ишлатилади.

14.뽀샵질 : 포토샵으로 사진을 꾸밈. → 포토샵질의 줄임 말입니다
Фотошоп орқали суръатни безатиш

15.귀차니즘 : 귀찮다는 뜻으로 샤머니즘, 나치즘 같이 뒤에 즈름 붙인겁니다.

Жонга тегди.

16.안습 : 안구에 습기 차다의 줄임말로 눈물 난다, 슬프다 이런 뜻입니다.

Ғамгин, кўз ёш тўкди.

17.악플 : 남이 써 놓은 글에 달아 놓은 안 좋은(욕이라던 가비판등의) 리플

Биров ёзган ёзувга беибо жавоб қайтариш

Ундош харфлардангина фойдаланиш

자음만 사용

1. ㄱㄱ – Go Go(고고) 에서 나온 것으로 보통 게임 상사냥하러 갈 때 ㄱㄱ~

무언가 일이 시작하지 않고 있을 때 "빨리 ㄱㄱ안합니까!!" 등으로 씁니다.

Кк-(гг)- инглиз тилидаги Go Go сўзидан келиб чиққан ”Қани кетдик ”,”Бошладик”,” Давом этдик” маъноларини англатади.

2. ㅇㅇ - 응 (대답) → 알았다는 뜻입니다.

“Ынг-ынг” жавоб берганда, яъни ”ҳа,тушундим ”деган маънони англатади.

3. ㅈㅇ.. - 짜잉... 의 자음으로 짜증 난다는 의미입니다.

“ЧЧ ынг”-Ччаинг –“Жаҳлим чиқди”

4. ㅅㅂㄹ, 쌤 - 이건 욕입니다.. с 발놈아에서 С 발로마, 시발라마 등으로 변형되었습니다.

Хақорат қилганда ишлатиладиган ундош ҳарфлар.

5. ㄱ - "감사"의 자음입니다.

“Кс”- Камса яъни “рахмат” деган маънони англатади

6. ㄱㄱ – ㅋㅋ와 같은 웃음의 의미입니다.

“кккк” кулгуни англатади.

- **Қисқартма сўзлар**

줄임말

1. 초짜 – 경험이 없는 풋내기를 뜻합니다. Тажрибасиз

2. 비번 – 비밀 번호 Сирли рақам (код рақами)

3. 냉무 – 내용 없음 (내용무) Мазмунсиз

4. 정모, 정팅 – 정기적으로 갖는 모임, 채팅을 이릅니다.
Суҳбатлашув.

5. 방제 – 방의 제목입니다. 각방의 주제나 제목을 의미합니다. Хона
НОМИ

6. 졸팅 – 졸면서 채팅한다는 의미입니다. Ухлаб суҳбатлашиш

7. 눈팅 – 마찬가지로 글을 쓰지 않고 눈으로만 본다는 의미입니다.
Ўзмасдан кўз орқали суҳбатлашиш

- **Ундов сўзлар**

감탄사

1. 어응 = 엄허 = 엄허나 - 모두 "어머나" 라는 말입니다.

Вой

2. 아놔 – 어이 없거나 답답할 때 사용합니다.

Нотинч бўлганда ишлатилади. Вой ўлмасам.

3. 어익후 – 어이쿠를 일컫는 말입니다.

Вой худойим

4.와방 – 멋지다 좋다 등에 붙는 말입니다

Жуда яхши ,жуда чиройли

"와방멋져!!" Дахшат кетворган !!!

5.조낸, 죠넌, 죠난 - 정말, 매우, 진짜, 굉장히 등 강조하는 의미를 가지는 부사입니다.

Росстданми, жуда, йўғ-е

존내, 존나에서 온 말입니다.

• Ёшлар орасида урф бўлган янги сўзлар

청소년들 사이에서 유행하는 말 (유행어나 은어등)의 뜻

5. 지못미:지켜 주지 못해서 미안 Кечирасан (химоя килолмаганим учун кечирасан)

6.킹왕짱: 매우 대단하다는 것을 강조한 신조어 Жуда катта

7.아놔:상대방의 황당한 말 또는 행동을 보았을 때 쓰는 표현.

Сухбатдоши ғалати гапини эшитганда ёки ғалати ҳатти-ҳаракатини кўрганда ишлатади.

8.듣보잡:' 듣도 보도 못한 잡놈이라는 말을 줄여 ' 듣보잡' 이 되었다. Кўриш билан ҳам эшитиш билан ҳам эслаб қололмайдиган, хотираси паст деган маънони англатади.

9.솔까말: '솔직히 까놓고 말해서' 의 줄임말.

Очиқчасига гапирмоқ

Хулоса

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб шундай хулосага келиш мумкин: турли тизимли тиллар системасини қиёсий ўрганиш бир томонлама соф назарий лингвистик соҳани қамраб олса иккинчи томондан амалий-услубий мақсадни ҳам ўз ичига олади, ҳамда тадқиқот жараёни назария билан амалиёт ўртасида яқин боғланишни вужудга келтиради. Айниқса, турли тизимли тилларни ўрганишда она тили билан чет тили ўртасидаги ўхшашлик ва ноўхшашлик томонларини инвентаризация қилиш чет тилини чуқурроқ ўрганиш ва тушунишга катта имконият яратади. Тилларни қиёсий ўрганишда бундай ёндашув методи тил ривожланишида, қиёсланаётган тилларнинг бир-бирини бойитишида ҳамда тиллараро алоқаларни, уларнинг қардошлиги ва қардош бўлмаган даражаларини атрофлича ўрганишга имконият яратади.

Шу мақсадда , биз олтой тиллар оиласи сирасига кирувчи икки тилда , яъни корейс ва ўзбек тилларида **неологизмни** ҳам амалий , ҳам назарий жиҳатдан таҳлил қилиб чиқдик ва қуйидаги хулосага келдик:

- Икки тилда ҳам тарихий сўзлар , янги сўзлар ва замонавий сўзлар мавжуд.
- Корейс тилида янги сўзларнинг пайдо бўлиши ўзбек тилига қараганда анча фаолроқ.
- Корейс тилида янги сўзлар асосан ёшлар томонидан яратилади ва уни ёши кексалар тушунмаслиги табиий ҳол ҳисобланади.
- Корейс тилида янги сўзлар ҳаёт фаолиятида янги ривожланаётган соҳаларда компьютер, интернет, уяли алоқа воситаларида кўпроқ ўз аксини топган.
- Янги сўзларнинг пайдо бўлишининг салбий томони 2 ёки ундан ортиқ сўзларнинг қисқариши,маълум бир гуруҳга тегишли бўлиши, қарияларга тушунарсиз бўлиб , баъзи ноқулайликларни келтириб чиқариши билан изоҳланса, ижобий томони эса маълумотни юборишда тезкор ҳаракат

килишга ёрдам беради. Масалан раҳмат сўзи корейс тилида ”” 12 та ҳарфдан иборат бўлиб унинг кс яъни 2 та ҳарф билан изоҳланиши айни муддаодир. Ва тезкор ҳаракатда ва шошилайлик деган шиор билан яшайдиган корейс миллати учун бу бир қалай қулайликларни келтиради.

Хуллас, икки тилнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари талайгина. Биз ўзбек ва корейс тилларидаги неологизмларнинг бир-бирига ўхшаш ва фарқли томонларини очиб беришга ҳаракат қилдик. Чунки бу хорижий тиллар бўйича мутахассис бўлиб етишаётган тилшунос мутахассисларнинг ҳам бурчи, ҳам вазифасидир. Зотан , ҳар қандай “фаннинг вазифаси келажагимизнинг шакли-шамойилини яратиб , эртанги кунимизнинг йўналишини ,табiiй қонуниятларини кўрсатиб беришдан иборатдир.” (И.А.Каримов.)

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотлари чуқурлаштириш йўлида. Тошкент. Ўзбекистон 1995. 260 б.
2. Каримов И.А. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. 1997. 34 б.
3. Каримов И.А. “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқ // Тошкент. М.Тўп Т.Б 1998. 312 б.
4. Ahn, Byeong-Hee and Kwang-No Lee (1990) Chungse Kukeo Munporpon (A Grammar of Middle Korean) Seoul: Nakyeonsa. 125 p.
5. Мазур Ю.Н. Структура слова в корейском языке // Корейский язык. М., 1961, С.148
6. Российское корееведение. Альманах. Вып. 1., М., 1999, С.166
7. Абдурахмонов Ғ. А. Ўзбек тили грамматикаси.,2том. Синтаксис.,Тошкент.,”Фан”-76й.560 бет.
8. Асқарова М. Қосимова К. Ўзбек тили „Ғ.“ Ўқитувчи” -76й.285 бет.
9. Ким Мин Ук, И.Анвар ва бошқалар. Корейс тили грамматикаси.Тошкент-2007й -105бет
10. 문화속 한국어. 전미순 저,2009 년

II. Интернетдан олинган маълумотлар:

1. [http:// www.bookmoon.co.kr](http://www.bookmoon.co.kr).
2. [http:// www.lingvoconcept.co.kr](http://www.lingvoconcept.co.kr)
3. [http:// www.linguists.ru](http://www.linguists.ru)
4. [http: // www.classes.ru](http://www.classes.ru)